



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2009 йил
31 октябрь
ШАНБА
№ 87
(12.203)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

Эркин нархда сотилади

www.th.uz

Озода юртининг обода уйлари

АМАЛИЙ ИШЛАР БОШЛАНДИ

"Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури ижроси юзасидан Тошкент вилоятида ҳам қишлоқлар қиёфасини янада яхшилаш, аҳоли учун тураржой ва ижтимоий соҳа объектларининг намунали лойиҳалар асосида қурилишни архителктурвий режалаштириш ҳамда инфратузилмани ривожлантириш ишлари алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 29 январда қабул қилинган "Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!" қарорига асосан, Тошкент вилоятида ҳам қишлоқлар қиёфасини янада яхшилаш, аҳоли учун тураржой ва ижтимоий соҳа объектларининг намунали лойиҳалар асосида қурилишни архителктурвий режалаштириш ҳамда инфратузилмани ривожлантириш ишлари алоҳида эътибор қаратишмоқда.

қобат муҳитини шакллантиришга хизмат қилаётир. Айни пайтда Тошкент вилоятининг Янгийул тумани А. Ортиқов номидаги қишлоқ фуқаролар йиғини "Дўстлик" маҳалласида, Чиноз туманининг Туркистон қишлоқ фуқаролар йиғини Т. Эрнзаров номидаги маҳалласида ҳамда Бўка туманининг Чигатой қишлоқ фуқаролар йиғини "Жағалбойли" маҳалласида ҳудудда намунавий лойиҳа асосида жами 60 та яқка тартибдаги уй-жой қуриш ишлари бошлаб юборилди. "Қишлоқ қурилиш инвести" инжиниринг компанияси Тошкент вилояти филиали директори Азизхон Саидовнинг таъкидлашича, 2010 йил давомида 600 дан ортиқ ана шундай турар-жой бинолари қурилиши мўлжалланган. Ҳозирда жойларда маркетинг ҳамда аҳоли талабини ўрганиш ишлари олиб борилмоқда.

— Туркистон қишлоқ фуқаролар йиғини Т. Эрнзаров номидаги маҳаллада 2,5 гектар ер ажратилиб, намунавий лойиҳа асосида унта уч хонали ва ўрта тўрт хонали уй барпо этилмоқда, — дейди Чиноз тумани бош архитектори Қобил Илҳомов. — Бу ерда савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, спорт майдончалари ва бошқа ижтимоий объектлар ҳам бунёд этилиши режалаштирилган. Бунёдкорлик ишлари тумандаги 33-кўча механизациялашган жамланмаса қурилиш ташкилоти томонидан бажарилаётир.

Вилоятнинг Янгийул туманида ҳам бу борадаги ишлар қизғин олиб борилмоқда. Тумандаги "Дўстлик" маҳалласидан 4,14 гектар ер майдони ажратилди. Бу ерда йигирмата тўрт хонали уй-жой ва бошқа маданий-маиший бинолар қурилади.

Лутфулла СУВОНОВ,
ЎЗА мухбири.



ТАКРОРИЙ ЭКИН — ҚЎШИМЧА ДАРОМАД

"Хумоюн шоҳ фазл" — Чиноз туманида йирик ва юқори ҳосилли фермер хўжалиги сифатида танилган. 74,6 гектар майдонда пахта ва галла етиштирилади. Ҳар йили шартнома режалари ортиги билан бажарилиб, мўмай даромад олинади.

Хусусан, бу йил 40 гектар майдондаги галладан 176 тонналик хирмон уюлди. Хўжалик аъзоларига 16 тонна бугдой тақсимланди. Соф фойда 10 миллион сўмдан ошди. Шароит оғир бўлишига қарамай, 34,6 гектар майдонда пахтадан ҳам шартномани ортиги билан қоплайдиган даражада мўл ҳосил етиштирилди. Қабул пунктларига

120 тоннага яқин сифатли хом ашё топширилди. Ҳосилдорлик 34 центнердан ошди.

Ҳар мавсум илғорлар сафиди бўлиш "Хумоюн шоҳ фазл"нинг доимий одати. Аммо, жамоанинг бошқа фермер хўжаликлари ўрнатилган арзизидиган ибратли жиҳати бор. Чунинчи, бу йил галладан барвақт бўшаган 8 гектар майдон зудлик

билан ҳайдалиб, такрорий экин учун тайёрланди. Ҳар йил 40 гектар картошка, 40 гектар бошқа сабзавот турлари, икки гектар дуккакли дон экилди. Айни пайтда жамоа картошка ҳосилини йиғиштириб олиш тараддудида.

— Биз картошкани аниқ мақсадни қўлаб эдик, — дейди фермер хўжалиги раҳбари Акмал Мансуров. — Ҳосилни саранжомлаб олган, саралаб, келгуси йили янада кенгрок майдонга экиш учун уруғлик сифатида саклаб қўямиз. Иزلанган имкон топади деганлари шу. Такрорий экин вақтида ва оқилон

жойлаштирилса, хўжалик қўшимча даромад келтириб, техника базасини мустаҳкамлаб бориш имконини беради. Ҳозир "Хумоюн шоҳ фазл" ўзининг чопиқ ва ҳайдов тракторлари, бошқа керакли машина-механизмларига эга.

СУРАТДА: фермер Акмал Мансуров механизатор Гайрат Соатов билан картошка ҳосилини тезроқ йиғиштириб олиш чоралари ҳусусида масахатлашмоқда.

Собир ЗУФАРОВ
олган сурат.

МАКТАБДА ИЖОДИЙ УЧРАШУВ

Мактаб — нафақат билим маскани, тарбия ўчоги, балки ҳар биримиз учун бир умрга унутилмас онларнинг ҳаёти қилувчи улғу даргоҳи ҳамдир. Аслида, инсоннинг Ватанга муҳаббат, китобга меҳр, шеърятга ошнолик туғилари ҳам ана шу даргоҳда шаклланади.

Пойтахтимизнинг Юнусов туманидаги 43-умумтаълим мактабда танили шoirлар Абдунаби Бойқўзиёв ҳамда Шавкат Туроб билан бўлган учрашув нафақат ўқувчилар, балки устозлар ҳам катта таассурот қолдирди.

— Мактабимиз рус тилига ихтисослашган, — дейди директор Элла Янборисова. — Ижодкорлар билан ўтадиган бундай учрашувлар ўзбек тилида олиб борилади. Бу фарзандларимизни энг аввало Ватанга, ўзбек

тилига бўлган муҳаббатларини янада оширади. Қолаверса, бундай учрашувлар ўқувчиларнинг адабиётга, шеърятга бўлган қизиқишларини уйғотишда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Ижодий кечада шoirлар ўз шеърларидан намуналар ўқиб бердилар. Тил, шеърят, адабиёт ҳақидаги мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.

Учкун ҲАМДАМОВ.

НОМЗОДЛАР ҚАНДАЙ КЎРСАТИЛМОҚДА?

Бугун ҳоҳ жамоат жойларида, ҳоҳ меҳнат жамоалари ёки таълим муассасаларида бўлсин, ўзаро суҳбатлар яқинлашган сайловлар, депутатликка номзодларни саралаш масалалари

га бориб тақалади. Бу ҳалқимиз сайловларга бефарқ эмаслиги, унинг жамият ижтимоий-сиёсий тизимидаги ҳақиқий ўрнини англаб етаётганлиги белгисидир.

МУҚАДДАС ОСТОНА

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Олий ва ўрта махсус таълим, Мудофиа, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Республика Маънавият тарғибот маркази, "Олима аёллар" уюшмаси вакиллари, ёш олимлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Тадбирда "Ўзбекистонда оила манфаатлари — давлат сиёсатининг устувор йўналиши", "Оилалар маънавиятини барқарорлаштиришда давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлиги", "ОИТС — оиланинг ижтимоий-демографик муаммоси", "Хотин-қизлар ва бола етмаганлар ҳуқуқий саводхонлигини оширишнинг долзарб вазифалари" мавзусида маърузалар тингланди.

Сурайё МЕЛИҚУЛОВА,
"Туркистон-пресс".



Маълумки, бўлажак сайловдан кўзда тутилган мақсад шунданки, депутатни сайлаш ёки вакил қилиш эмас, балки ҳар бир сайловчи жамиятини бошқаришдаги ўз ваколатларини қайси номзод учун беришини ўзи онгли ҳис қилишини таъминлашга эришишдан иборат. Бу билан ҳар бир сайловчида жамият ҳаётини тубдан янгилаш жараёнилари изчил тус олаётган бир пайтда, республика Президентини таъкидлашларидек, Парламент учун асфальт ёқизиб берувчи ёки маҳаллага газ келтиришни ваъда қилувчи депутат эмас, балки,

2010 обуна
йил учун бошланди
ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
газетасининг
индекси — 205.

ЯНГИ ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ ТАҚДИМОТИ

МДХ ва Болтиқбўйи мамлакатлари Темир йўл транспортни модернизация қилишнинг 51-мажлиси доирасида "Тошкент йўловчи вагонларини қуриш ва таъмирлаш заводи" очик акциядорлик жамиятида "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компанияси тизимида кирувчи турта йирик ишлаб чиқариш корхонасида ишлаб чиқарилган ҳамда модернизация қилинган транспорт воситаларининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда "Ўзтемирйўл-маштаъмирлаш" унитар корхонасида ишлаб чиқарилган ва модернизация қилинган "UzTE16M" русумидаги икки секцияли тепловоз намойиш этилди. Ушбу корхонада ҳар йили 150 дан ортиқ тепловоз ва электровоз, 350 дан зиёд юк ташиш вағони қурилади. Шунингдек, Андижон механика заводида таъйёрланган нефть ва кимё маҳсулотларини ташишга мўлжалланган цистерналар ҳам тадбир иштирокчилари ва мутахассислар эътиборини тортиди. Ушбу заводда йил давомида 150 дан ортиқ цистерна капитал таъмирланиб, 450 дан ортиқ

юк ташиш вағони модернизация қилинади. Бу ерда намуний этилган бошқа янгилар — 11-97-69 русумидаги ёпик вагон, 12-97-68 русумидаги ярим вагон ва цемент ташиш учун мўлжалланган 13-4-12 русумидаги вагонлар ҳам катта қизиқиш уйғотди. Улар Тошкент кўйиш-механика заводида таъйёрланмоқда. Ушбу шўъба корхона корпусларида 100 дан зиёд юк ташиш вағони 100 дан ортиқ ёпик вагон ишлаб чиқарилади.

Тақдимот маросими иштирокчилари ўзбекистонлик темир йўлчилар тайёрлаган транспорт воситаларини, уларни тақомиллаштиришга хизмат қиладиган янги жиҳатларни юксак баҳолади.

В. НИКОЛАЕВ,
ЎЗА мухбири.
